

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ МУСИҚА ДАРСИДА  
БУХОРО БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР ҚЎШИҚЛАРИ ВОСИТАСИДА  
ЎҚУВЧИЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ШАКЛЛАНТИРИШ  
МОДЕЛИ.**

**Ражабов Тўхтасин Ибодович.**

**Бухоро давлат университети. Санъатшунослик факультети.**

**Мусиқа таълими кафедраси доценти, п.ф.ф.д.(PhD)**

**Аннотация.**

Мақолада мусиқа маданияти дарсларида ўтиладиган ўзбек мусиқа фольклор кўшиқларини ўргатиш учун қўланиладиган усул ва методлар олиб бориладиган дарс жараёнининг самарадорлиги, ўқувчиларига хос хусусиятларини белгилаб олиш, кўшиқлардан фойдаланилган турли мусиқий жанрларни мақсадли ўрганиш орқали ўқувчиларга бериладиган тарбиявий аҳамияти, маънавий-ахлоқий ҳислари, қарашлари ва ишончини тарбиялашга эришиш, мусиқа дарсларида кўшиқларни ўргатиш орқали ўқувчиларнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш учун амалга ошириладиган ишлар, ўқувчиларга болалар фольклор кўшиқларини ўргатиш орқали берилиши мумкин бўлган таълим-тарбиянинг кўлами, даражаси, мазмуни ва имкониятларини аниқлаб олиш қай тарзда режалаштириш лозимлиги ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар.** Болалар фольклор кўшиқлари, оҳанг, ритим, усул, метод, таълим ва тарбия, ўргатиш жараёнининг самарадорлиги, маънавий-ахлоқий, мусиқа маданияти дарси.

**Аннотация.** В статье описывается эффективность учебного процесса, методы и приемы, используемые для обучения узбекским фольклорным песням на уроках музыкальной культуры в системе непрерывного образования, для определения характеристик учащихся, воспитания у учащихся духовно-нравственных чувств, взглядов и убеждений через целенаправленное изучение различных музыкальных жанров. Работа по определению уровня сформированности учащихся посредством преподавания песен в классе,

определение объема, уровня, содержания и возможностей обучения, которые могут быть предоставлены учащимся в процессе обучения детских народных песен, эффективность процесса обучения бухарским детским народным песням. Это решение является уникальным этапом практического изучения, ознакомления с содержанием научных и методических источников, вопросов и ответов, созданных в этой области, и разработки теоретических идей.

**Ключевые слова:** Детские фольклорные песни, мелодия, ритм, метод, обучение и воспитание, эффективность учебного процесса, духовно-этический, урок музыкальной культуры.

**Abstract.** The article describes the effectiveness of the teaching process, methods and techniques used to teach Uzbek folk songs in music culture classes in the system of continuous education, to determine the characteristics of students, to cultivate students' spiritual and moral feelings, attitudes and beliefs through targeted study of different musical genres. The work to determine the level of formation of students through the teaching of songs in the classroom, how to plan to determine the scope, level, content and opportunities of education that can be given to students through the teaching of children's folk songs, the effectiveness of the process of teaching Bukhara children's folk songs. This solution is a unique stage in the practical study, acquaintance with the content of scientific and methodological sources, questions and answers created in this field, and the development of theoretical ideas. to what extent it is proven in practice.

**Key words.** Children's folk songs, melody, rhythm, method, method, education and upbringing, the effectiveness of the teaching process, spiritual-ethical, music culture lesson.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” деган даъватлари таълимнинг сифатли ва самарали ташкил этилишини, айниқса, бошланғич синфлардан бошлаб

Ўқувчиларни мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга шахс сифатида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Ёш авлодни аждодларимиз анъаналари, қадриятлари ва маданияти асосида тарбиялаш, уларда маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришда миллий-муслиқий меросимиз, хусусан, халқ қўшиқлари алоҳида ўрин тутди. Зеро, жамиятимизни маънавий-ахлоқий янгилаш, Шарқона қадриятларимизни қайта тиклаш, уларга янгича руҳ бериш мақсадида «Маънавият ва маърифат» Республика маркази ҳамда «Олтин мерос» халқаро жамғармалари ташкил этилди.

Маънавий-ахлоқий меъёрларни ўқувчи ёшларга сингдириш учун, энг аввало, уларни маънавий-ахлоқий тушунчалар билан таништириш лозим бўлади. Файласуф ҳамда педагог олимлар фикрига таяниб, маънавий-ахлоқий тушунчаларни қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) маънавий-ахлоқий тушунчаларни баён қилиш;
- 2) маънавий-ахлоқий фикр юритиш;
- 3) маънавий-ахлоқий хулосалар чиқариш ва бу хислатларни одат тусига киритиш.

Маънавий-ахлоқий тушунчаларнинг моҳиятини аниқ ҳис қилиш учун у ёки бу ҳолатда барча унга амал қилиши ҳамда унинг натижаси қандай яқун топганлигини синчковлик билан кузатиб, фикр юритиши ва ўзининг шахсий хулосасини чиқариб олиши лозим. Маънавий-ахлоқий меъёрлар кўп бор синовдан ўтказилгандагина барқарорлик касб этади ва у кишининг ҳақиқий таянчи сифатида унинг ҳаётий хатти-ҳаракатларига туртки беради. Унинг қай ҳолатда қандай иш тутиш кераклигини аниқ кўрсатади.

Фарзанд туғилиши, чақалоқнинг бешиқдаври, улғайиши, жисмоний ва нутқий баркамоллиги, ёш ва суннат тўйлари, улғайиш эҳтирослари билан боғлиқ айтим-олқиш, эркалама, овутмачоқ, қизикмачоқ, ялинчоқ, ҳукмлагич, чалғитма, чорлама, гулдур-гуп, санама, айтишма, тегишмачоқ, масхараламалардан иборат бутун бир болалар қўшиқлари тизими яратилган.

Масалан, Бухоро болалар фольклор кўшиқларива алла кўшиғини таққослайдиган бўлсак, алла бола шахсида ота-она, Ватан, миллатга муҳаббат туйғусини энг дастлабки куртакларини шакллантирувчи воситаси сифатида майдонга келган. Бола улғайган сари унинг маънавий тафаккур даражаси ҳам ривожланади, турли шакл ва мазмундаги халқ театрлари воситасида зеҳни ўткирлашиб, нутқи ўсиб, дунёқараши кенгайиб, маънавий эҳтиёжи ва қизиқиши ортиб боради.

Алишер Навоий «алла» айтишни «навоғў» деб атайтиди;

Кўзининг нози элдан элтиб уйқу,

Анга уйқу кетурмакка навоғў .

Педагог олимларнинг фикрларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, Бухоро болалар фольклор кўшиқлари воситасида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш тўрт асосий йўналиш бўйича амалга оширилиши мумкин:

1. Ватани ва халқига бўлган муҳаббат туйғусини тарбиялаш.
2. Ўқувчиларнинг меҳнат, кишилар ва улар томонидан яратилган неъматларга бўлган муносабатини шакллантириш.
3. Ўқувчининг жамият аъзолари, қариндошлари ва уни ўраб турган тенгдошларига бўлган муносабатини ривожлантириш.
4. Унинг шахс сифатида ўз-ўзига нисбатан қарашларини қарор топтиради.

Бухоро болалар фольклор кўшиқлари воситасида ўқувчиларни шакллантириш соҳасида кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу масала бир қатор педагог ва психологлар, мусиқашунослар томонидан бир қадар ёритилган. Хусусан, А.Фитрат, Ҳ.Нурматов, О.Мусурмонова, У.Қосимов, ва бошқалар шулар жумласидандир .

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ҳаётида мусиқа санъати муҳим ўрин тутади, уларда мусиқага бўлган қизиқиш шу ёшларда ниҳоят даражада интенсив кечади, уларнинг анчагина вақтини эгаллайди ва бу ўз-ўзидан уларнинг интеллектуал, эстетик ва маънавий оламини бойитишга, ривожлантиришга хизмат қилади.

## АДАБИЁТЛАР.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 15-февральдаги Фармони. Lex.uz сайти.

2. Ражабов Т. И. Тематическая классификация узбекской детской

3. Ражабов Д. З., Ражабов Т. И. ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ УЗБЕКСКОЙ НАРОДНОЙ ЛИРИКИ //Международная образовательная деятельность как фактор развития и сотрудничества высших учебных заведений в современном поликультурном мире. – 2018. – С. 207-212.

4. Раджабов Т. И. Описание вековых ценностей в песне " тутовое дерево-балх" и его место в воспитании учащейся молодежи //Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития. – 2019. – С. 70-71.

5. Rajabov.T.I.Ўқувчи-ёшларга ўзбек миллий мусиқа фольклори намуналари воситасида эстетик тарбия бериш. SCIENCE AND EDUCATION SCIENTIFIC JOURNAL ISSN 2181-0842 VOLUME 2, ISSUE 11 NOVEMBER 2021 С.1094-1104.х

6. Saloydinov, S. Q. (2021). Paxta tozalash zavodlarida energiya sarfini kamaytirishning texnik-iqtisodiy mexanizmini yaratish. "Academic research in educational sciences", 2(9), 886-889. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2021-9-886-889>

7. Saloydinov, S. Q. (2021). [Creation of feasibility studies to reduce energy costs in ginneries](#). "Экономика и социум", № 9(88), 147-149.

8. Ражабов.Т. И. Изучение узбекских фольклорных народных песен и их психологической влияние. Вестник института культуры детства Материалы Всероссийской научной конференции (с международным участием) Челябинск 2018 год 149-152стр выпуск 17.

9. Ражабов.Т. И. Умум ўрта таълим мактаблари мусиқа дарсида эркалама қўшиқларни ижро этиш хусусияти. (1-4 синфлар мисолида) Modern scientific research journal. International Scientific Journal. ISSUE 10 London 2019